

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАЕВА ГУЛЬЧЕХРА ЖАЛГАСОВНА

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ КОРХОНАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Аллаева Гульчехра Жалгасовна

Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари фаолиятини

самарали ривожлантириш 3

Аллаева Гульчехра Жалгасовна

Эффективное развитие деятельности предприятий топливно-

энергетического комплекса 29

Allaeva Gulchehra Zhalgasovna

Effective development of activity of fuel and energy complex enterprises... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАЕВА ГУЛЬЧЕХРА ЖАЛГАСОВНА

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ КОРХОНАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt85 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳкамова Мамлакат Абдукадировна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Маджидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Муратова Шохиста Ниматуллаевна
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Б.Ю.Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б.Т.Салимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг глобаллашуви, қайта тикланмайдиган ресурсларнинг қисқариши, суюқ углеводородлар ва қаттиқ ёқилғи турлари жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши шароитларида, иқтисодиётни самарали инновацион ривожлантиришни таъминлаш учун мавжуд технологияларни замонавийлаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек дунё ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё мамлакатлари ёқилғи-энергетика комплекси (ЁЭК)нинг инновацион ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда энергетика соҳасида турли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда КХДР, Германия, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар етакчилар ҳисобланади. Хитойда ЁЭК тармоғидаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли 6,3%, Германия – 5,1%, АҚШ – 4,5%, Японияда – 3,5% энергетика комплексида инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, инвестициялар жалб этишни кенгайтириш, аҳолининг энергиятежамкор ва инновацион технологиялар асосидаги тежамкор энергетика маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида соҳани самарали ривожлантириш учун асос яратадиган замонавий илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий ёқилғи-энергетика комплексини инновацион ёндашувлар асосида самарали ривожлантириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёқилғи-энергетика комплексининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш,...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини,...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика комплексига инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ва унинг моддий-техника базасини тубдан янгилаш йўли билан уни устувор ривожлантиришни тақозо этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // LEX.UZ

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фани ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш ва бошқариш муаммолари кўплаб хорижий олимлар, хусусан, А. Ansoff, В. Kingston, Р. Drucker, J. Shumpeter, М. Gregory, R. Kjell, R. Nash, D. W. Pearce, J. J. Warford, R. Wasserstrom, S. Reider² ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларида тармоқларни инновацион ривожлантириш масалалари Абалкин А.И., Анчишкин А.И., Бляхман Л.С., Валдайцев С.В., Глазьев С.Ю., Казанцев А.К., Кондратьев Н.Д., Пузыня К.Ф., Барютин Л.С. ва бошқа олимлар томонидан кўриб чиқилган.³

² Kingston W. The Political Economy of Innovation. The Hagne/ W.Kingston. 1984.-122 p. ; Друкер П.Ф. Бизнес и инновации: пер. с англ./П.Ф.Друкер-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2007. - С. 69; Drucker P.F. Technology Management and Society/ P.F. Drucker.-L., 1970. -P. 69; Deming W.E. Quality, productivity, competitive position /W.E. Deming. - Massachusetts Institute of Technology, 1986; Gregory M. Economics of the Environment. - L., 1979. – P.2.; Kjell R. Technology will continue to profoundly affect energy industry // Oil & Gas Journal, 30/III, 1998.; Nash R. Environmental Ethics. – Environmental Spectrum Social and Economic Views on the Quality of Life. N.Y., 1974. – P.142.; Pearce D.W., Warford J.J. World without end: economics, environment and sustainable development. - Washington, D.C.: John Hopkins University Press, 1993.; Wasserstrom R., Reider S. Oil firms in environmentally sensitive areas learning to balance stakeholder interests // Oil & Gas Journal, 18/VIII, 1999.

³ Абалкин Л. И. Новый тип экономического мышления. - М.: Экономика, 1987, — 189 с.; Глазьев С. Ю. «Современная теория длинных волн в развитии экономики» // Экономическая наука современной России. 2012, № 2 (57), с. 8-27; Анчишкин А.И. Прогнозирование темпов и факторов экономического роста. - М.: МАКС Пресс, 2003; Бляхман Л.С. Инновационная система как социальный институт постиндустриальной информационной экономики/– М.: Проблемы современной экономики, 2005, №3-4, с. 15-16; Валдайцев С.В. Управление инновационным бизнесом/ Юнити-Дана, 2001, 343 с.; Казанцев А.К. Основы производственного менеджмента/ Инфра М, 2002 г. ISBN: 978-5-16-001123-3; Кондратьев Н. Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения / Сост. Ю. В. Яковец. — М.: Экономика, 2002. — 768 с. — 5 000 экз. — ISBN 5-282-02181-1.; К.Ф. Пузыня, А. К. Казанцев, Л.С. Барютин. Организация и планирование научных исследований и опытно-конструкторских разработок: Учебное пособие для инж. -экон. спец. вузов / – М.: Высшая школа, 1989, – 223 с.

Ўзбекистонлик олимлардан Ходиев Б.Ю., Гуломов С.С., Махмудов М.Н., Маҳкамова М.А., Қодиров А.М., Саидов М.Х., Расулев А.Ф., Тўхлиев И.С.⁴ ва бошқаларнинг республика иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-услубий, иқтисодий механизмлари, инфратузилма ва бошқарув муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган ишлари муҳим илмий аҳамият касб этади.

Глобаллашув шароитларида жаҳон мамлакатларининг алоҳида эътибори инновацион технологиялар асосида энергиятежамкор ва энергия жиҳатидан самарали маҳсулотларни таклиф этадиган ёқилғи-энергетика комплекси фаолиятини самарали ривожлантиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришга доир ташкилий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқишга қаратилмоқда.

Шу билан бирга мамлакат ЁЭК корхоналари фаолиятини самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жараёнлари, ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларининг инновацион салоҳиятини унга хос бўлган ихтисослашган фаолият субъектлари ва инфратузилма инструментлари билан бирга жадал ривожлантириш етарлича тадқиқ этилмаган. Бу муаммонинг долзарблиги ва етарлича ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқотнинг заруриятини белгилаб берди.

Диссертация мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуи Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф.1.100 «Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришни модернизациялаш шароитида инвестицион салоҳият назарияси ва унинг шаклланиш механизмлари илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2016 йй.) ва ОТ-Атех-2018-(517+513+362) «Фотоэлектрик тизимларни марказий электр тармоқларига интеграция қилиш» давлат лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тармоқни самарали ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятга оид тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти тадқиқ этиш;

⁴ Ходиев Б.Ю., Беркинов. Б.Б. Корпоратив бошқарув. Укув кулланма. -Ташкент: ТДИУ, 2010; Гулямов С.С. Экономика, основанная на знаниях. Народное слово, 16.06.2008.; Махмудов Н.М., Ахмедов Д.К. Организация научной деятельности ТГЭУ. Рынок, деньги и кредит. –Ташкент: 2001; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс.док. экон. наук. – Т.: 2004, – 291 с.; Кадыров А.М. «Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка». Научно-практическая конференция «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции». -Т., 23 апреля 2008 г.; Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования. – М.: Книжный дом «Труд», 2006. – 350 с.; Расулев А.Ф., Тростянский Д.В., Исмаилова О.А. Развитие инновационного потенциала и тенденции инновационной активности предприятий промышленности Узбекистана. Экономический вестник Донбасса, №2(40), 2015; Тухлиев И.С. Организационные формы инновационного образования. Материалы международной научно-практической конференции «Разработка, оценка эффективности реализации инвестиционных и инновационных проектов», ТМИ, 2006;

инновацион муҳит сифатини ҳамда инновацион фаолият воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини синтетик баҳолаш усуллари таклиф этиш;

ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш механизми ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш хусусиятлари тавсиф бериш;

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг замонавий ривожланиши асосида инновацион салоҳиятдан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш хусусиятларини очиқ бериш;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини инновацион ривожлантириш муаммолари аниқлаш;

инновацион муҳитни давлат томонидан тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш шароитида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича асосий йўналишларни кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўллари аниқланди.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг ташкилий-иқтисодий фаолияти ҳамда ёқилғи энергетика хизматлари ва маҳсулотлари бозоридаги иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида таҳлиллар, эвристик ва эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, корреляция, иқтисодий-статистик, график-таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш услуги муҳит субъектлари ўзаро боғлиқлигининг мультиомилли ёндашувини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

конларни ўзлаштириш самарадорлиги шароитлари мажмуини ҳисобга оладиган ер ости бойликларидан фойдаланишнинг дифференциация қилинган параметрларидан фойдаланиш асосида ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

комплекс таркибидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишнинг итерацион модели ишлаб чиқаришга инновацион маҳсулот ва технологик янгиликлар киритиш асосида такомиллаштирилган;

соҳа комплекси самарадорлигининг ялпи ички маҳсулотга таъсири бўлган энергетик инфратузилма индексининг (EAPI) уч субиндексидан экологик барқарорлик (environmental sustainability-ENSUS)ни таъминлаш ва салбий зарарсизлантиришни минималлаштириш асосида таъсир этиш даражасини аниқлаш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёқилғи-энергетика корхоналари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш услуби муҳит субъектлари ўзаро боғлиқлигининг мультиомилли ёндашувини ҳисобга олиш асосида таклиф этилган;

конларни ўзлаштириш самарадорлиги шароитлари мажмуини ҳисобга оладиган ер ости бойликларидан фойдаланишнинг дифференциация қилинган параметрларидан фойдаланиш асосида ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари таклиф этилган;

фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси дифференциациясини жорий қилиш йўли билан инновацион фаолиятни кучайтириш учун кўшимча молиявий ресурсларни бўшатиш мақсадида ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари учун солиқ юқини пасайтириш механизми таклиф этилган;

«Ўзбекистон Республикаси ЁЭК корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг итерацион модели» таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда фойдаланиладиган методологик ёндашувлар ва усуллар иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш учун фойдаланиладиган статистик ёндашувга, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида расмий манбалардан олинган ахборотга, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган илмий натижалар, хулосалар ва тавсияларга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида инновацион фаолиятни устувор ривожлантириш механизмларини янада такомиллаштиришга оид назарий-методологик ва услубий аппарат шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш бўйича олинган хулоса ва таклифларни жорий қилиш «Ўзбекнефтегаз» АЖ тасарруфидаги, хусусан, «ИГИРНИГМ» АЖ, «УзЛИТИнефтгаз» АЖ корхоналарида инновацион ишланмалар ва илмий-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш имконини берди. Шунингдек ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида инновацион фаолиятни янада ривожлантириш бўйича олинган илмий билимлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, Тошкент давлат техника университети ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, кейс стадилар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида фаолиятни самарали ривожлантиришга қаратилган таклифлар асосида:

ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида инновацион муҳитнинг ички моҳиятини ҳисобга олувчи фаолият самарадорлигини баҳолашнинг мультиомиллик ёндашуви ва конларни ўзлаштириш самарадорлиги шартлари топламани ҳисобга оладиган ер ости бойликларидан фойдаланишнинг дифференциация қилинган параметридан фойдаланиш асосида ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари

«

У

з

Л

Шуртаннефтегаз» МЧЖ, «Шуртан ГКХ» МЧЖнинг илмий ва амалий ф

а «ИЛМИЙ-ТЕХНИК МАҲСУЛОТ, илмий-техник ютуқларнинг иқтисодий оамарадорлигини баҳолаш» жараёнига татбиқ этилган («УзЛИТИнефтегаз»

А

Ж

и

и

и

г

а ёқилғи-энергетика комплекси таркибидаги корхоналар фаолият самарадорлигини оширишнинг инновацион маҳсулот ва технологик ишланмалар киритиш асосида ишлаб чиқарилган итерацион модели ва ёқилғи-энергетика комплекси самарадорлигининг миллий ялпи ички маҳсулотга таъсири бўлган энергетик инфратузилма индексининг (EAPI) уч субиндексдан атроф-муҳит барқарорлиги (environmental sustainability-ENSUS)ни таъминлаш мақсадида зарарсиз-янтиришни минималлаштириш асосида таъсир этиш даражасини аниқлаш механизми «ИГИРНИГМ» АЖнинг амалий фаолиятига татбиқ этилган («Нефть ва газ конларни геологияси ҳамда қидируви институти» АЖнинг 2018 йил 17 августдаги 281ГА-4-1451-сон далолатномаси). Корхонада ушбу таклифларни амалга ошириш натижасида инновацион салоҳиятини оширишнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларини самарали ривожлантиришнинг мақсадли йўналишларини таъминлаш, инновацион фаолиятни кучайтириш жараёнларини чуқурлаштириш ва ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини 21% га оширган;

а «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖга фойдали қазилмалардан фойдаланган-лик қисми 2017 йилдаги таъминоти таъминлаш механизмининг солиқ юқини пасайтириш асосида таъминлаштириш бўйича берилагн акциядорлик жамияти фаолиятига жорий қилинган. Ушбу таклифларни жорий қилишдан иқтисодий самара 54,6 млрд. сўм («УзЛИТИнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 25 октябрдаги 6-сон далолатномаси). Ушбу таклифларни жорий қилиш натижасида «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик жамиятининг қўшимча ресурсларини инновацион фаолиятни жадаллаштиришга йўналтириши акциядорлик жамиятига 54,6 млрд. сўм самара берган.

и **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза қилинган ва баҳолашдан ўтказилган.

- **Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 12 та илмий мақола, шундан 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган, илмий-амалий анжуманларда 13 та маъруза тезислари нашр этилган.

0 **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

10

и

л

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси келтирилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши ҳамда тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилингани, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг илмий ва назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида инновацияларнинг роли ва тоифавий моҳияти, инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион фаолият тамойиллари ва қонуниятлари ёритиб берилган, шунингдек, корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантиришга инновацион муҳит таъсири асослаб берилган. Ишда республика ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг ривожланиш тенденциялари ҳамда иқтисодий-ташкилий шарт-шароитлари очиб берилган. Назарий-методологик таҳлил асосида Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини самарали ривожлантириш жараёнлари назарий жиҳатдан баҳоланган.

Тадқиқотда ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари инновацион ривожланишининг миллий иқтисодиётга таъсири, иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг жадал ҳаракатлантирувчи омили сифатидаги хусусиятлари тадқиқ этилган. Мазкур йўналишда олиб борилган изланишларни⁵ умумлаштирган ҳолда тадқиқотда ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг ривожланиш даражасини баҳолашда методологик ёндашувлар, жумладан, инновацион, технологик, тизимли ёндашувлар таҳлил қилиниб, улардан саноат корхоналари фаолиятини самарали ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар билан асосланди.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, корхоналарда **инновацион фаолият** умумий қонуниятларга эга бўлиб, бу ерда ўзгариш мақсадлари белгиланади, янгиликлар ишлаб чиқилади ва синаб кўрилади, ишлаб чиқариш томонидан ўзлаштирилади ва тарқатилади, ниҳоят, жисмоний ва маънавий жиҳатдан

⁵ Riesman D. Leisure and Work in Post- Industrial Society. Mass Leisure. Eds.E. Larrabee, R.Meyersohn. Glencoe (Ill), 1958. pp. 363-385; Bell D. The Year 2000-The Trajectory of an Idea. Toward the Year 2000. Work in Progress. Ed.by D. Bell. Boston, 1968. pp. 27-33; Porat M., Rubin M. The Information Economy: Development and Measurement - Wash., 1978. pp.148; Stonier T. The Wealth of information. -L., 1983. pp.175; Katz R.L. The information Society: An international Perspective.- N.Y., 1988 pp. 54-63; Toward the Year 2000. Work in Progress. Ed. By D. Bell.-Boston, 1968. pp. 32-51; Toffler A. The Third Wave.-N.Y., 1980. pp. 418 / (В переводе на русский язык: Тоффлер Э. Третья волна. - М.: АСТ, 1999-784 с.); Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура - М.: Том 3, 2000. – с. 195 - 243; Уэбстер Ф. Теории информационного общества. – М.:изд. «Книга», 2004. – 400 с. Masuda Y. The information Society as Postindustrial Society. Washington.: World Future Soc., 1983. Pp. 44-86.

тугатилади, **инновацион муҳит** эса инновацион фаолиятга хос бўлган ҳамда макро ва микроиқтисодий жараёнлар таъсири остида хилма-хил шакллар ва турлардаги инновация объектлари ва субъектларининг ўзаро алоқалари ривожланиши билан сифат ва сон тавсифларига эга бўла оладиган маълум бир сифат субстанцияси эканлиги аниқланди. Ишда инновацион салоҳиятни инновацион ресурслар ва улардан самарали фойдаланишга мос келувчи инновацион муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ хусусиятлари очиб берилди.

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини инновацион ривожлантириш биринчидан, ёқилғи-энергетика бозорининг юқори суръатлар билан ривожланиб бориши баробарида унинг жаҳон ёқилғи-энергетика бозорига жадал кириб бориши; иккинчи томондан эса, миллий ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг ҳолати ва ривожланиш даражаси билан боғлиқ эканлиги асосланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга илмий-услубий ёндашув»** деб номланган бўлиб, унда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, модернизациялаш талабларидан ва технологик ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда инновацион муҳит сифатини баҳолаш, инновацион салоҳият воситаларидан фойдаланиш асосида синтетик баҳолаш усуллари тадқиқ этилган. ЁЭК корхоналарида инновацион салоҳиятдан фойдаланишнинг замонавий ривожланиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида тармоқ корхоналарининг инновацион ривожланиш муаммолари очиб берилган.

Ички муҳитни таҳлил қилиш ва унинг инновацион салоҳиятини баҳолаш деталли ва диагностик кўринишда амалга оширилиши мумкин. Ички муҳитни деталли таҳлил қилиш ва корхонанинг инновацион салоҳиятини баҳолаш инновацион лойиҳани асослаб бериш босқичида амалга оширилади. Тизим ҳақида ахборот олиш имконияти чекланган ҳолатларда диагностик ёндашув қўлланилади, яъни диагностика инновацион лойиҳа йўналишларини аниқлаш ва ресурслар салоҳиятини баҳолашда фаолият моделлари ва ривожланиш масалалари бўйича очиқ бўлган кўрсаткичлар доираси бўйича амалга оширилади.

Баҳолаш учун қуйидаги баҳолаш кўрсаткичлари агрегатларини ажратиб кўрсатиш мумкин: маҳсулотга оид; функционал; ресурсга оид; бошқарув; ташкилий кўрсаткичлар. Ички муҳитнинг инновацион салоҳияти учун базавий баҳо тизимининг инновацион имкониятларини белгилаб берадиган функционал агрегат ҳисобланади. Ушбу агрегат бўйича кўрсаткичлар 1-жадвалда келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, инновацион салоҳиятни баҳолаш учун инновациялар яратиш ва амалга ошириш жараёнларини бошқариш бўйича барча даражадаги раҳбарлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконини берадиган бошқарув агрегати кўрсаткичларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ташкилий агрегат кўрсаткичлари ташкилий структура тизимининг инновацион йўналишларига қанчалик мос келишини баҳолайди.

**Корхона инновацион салоҳиятини функционал блок бўйича
тавсифлайдиган кўрсаткичлар⁶**

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар
Харажат кўрсаткичлари	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг илмий ҳажмдорлиги (сотув ҳажмида ИТТКИ харажатлари салмоғи)
	Патентлар, лицензиялар, ноу-хау харид қилиш харажатлари
	Инновацион фирмалар харид қилиш харажатлари
	Жаҳонда ёки тармоқда юзага келган амалиётга мувофиқ инновацион цикллар босқичида харажатлар структураси
	Инновацион ишланмаларни ривожлантириш фондлари мавжудлиги ва ҳажми
Инновацион жараён динамикасини тавсифлайдиган кўрсаткичлар	Янги маҳсулотга талаб ёки эҳтиёжни англаб етиш вақтидан уни бозорга ёки истеъмолчига катта ҳажмда етказиш вақтига қадар бўлган давр (ТАТ инновационлик кўрсаткичлари ⁷)
	Янги маҳсулот ёки технологияни ишлаб чиқиш жараёнининг давом этиш муддати
	Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни тайёрлаш жараёнининг давом этиш муддати
	Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш циклининг давом этиш муддати
	Маркетинг тадқиқотлари асосида бажарилган ишланмалар салмоғи
	Ишланмалар умумий миқдорида тижорат нуқтаи назаридан муваффақиятли лойиҳалар салмоғи
	Муваффақиятли маркетинг сиёсати туфайли бозорда муваффақиятга эришган ИТТКИ бўлинмалари инновацион ишланмалари салмоғи
Янгиланиш кўрсаткичлари	Маҳсулотнинг янгиланиш динамикаси кўрсаткичлари (умумий ҳажмда икки йилдан ўн йилгача чиқарилган маҳсулот салмоғи)
	Харид қилинган (сотилган) янги технологиялар миқдори
	Фан-техника маҳсулотлари экспорти ҳажми
	Асбоб-ускуналарни янгилаш коэффициенти, жумладан, тамомила янги асбоб-ускуналар негизида

⁶ Ивасенко А.Г., Никонова Я.И., Сизова А.О. Инновационный менеджмент: учебное пособие – М.: КНОРУС. 2009, – 416 с.

⁷ «ТАТ» атамаси илк бора япон компаниялари томонидан қўлланилган бўлиб, америкаликларнинг «turn-around-time» - айланишга улгур сўз бирикмасига бориб тақалади

Маҳсулотга ва ресурсга оид агрегат кўрсаткичлари чиқарилаётган маҳсулот ва унинг барча турдаги ресурслар билан таъминланганлиги, шунингдек, тизимнинг инновацион йўналишларига мувофиқлигини баҳолашга имкон беради. Барча агрегатлар кўрсаткичлари рўйхати ташқи муҳит ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши, унга баҳолаш мақсадлари, зарур ахборот мавжудлиги ва ҳоказодан келиб чиқиб тузатиш ва тўлдиришлар киритилиши мумкин.

Инновацион иқтисодий шакллантириш шароитларида корхоналар, шу жумладан ёқилғи-энергетика комплекси (ЁЭК) корхоналари илмий-техника сиёсатининг асосий мазмуни юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган янги технология ва ускуналарни ишлаб чиқиш ва фойдаланишдан иборат бўлади.

Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарида асосан техник-технологик инновациялар қўлланилади, чунки улар ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига қайсидир технологик жараёнларни модернизациялаш ва янгилаш учун жорий қилинади ҳамда корхонанинг модернизация қилинган ишлаб чиқариш қувватларида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш воситасида кўшимча фойда олишига хизмат қилади. Техник-технологик инновацияларни жорий қилишдан олинган даромаддан айнан инновацияларга тегишли қисмини ажратиш жуда қийин. Шундай экан, инновацион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг оддий услубиятлари қўлланилаётган техник-технологик инновацияларнинг барча сифат ва сон тафсилотларини, шунингдек, уларнинг ички табиатини тўлиқ даражада ҳисобга ола олмайди.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, биз тадқиқотимизда инновацион муҳит сифатини баҳолаш усулларини, шунингдек, инновацион салоҳият воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубиятлари ва корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулларини таклиф қиламиз. Таклиф қилинаётган услубият ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида инновацион таркибий қисмларни, шунингдек, ушбу корхоналар ички муҳити объектларига мультипликаторли ёндашувни ажратишга асосланади, яъни бевосита ИТТКИ бўлинмаларини ҳам, ишлаб чиқариш соҳаси, молиявий фаолиятни ҳам баҳолайди ва ҳоказо.

Услубиятга техник-технологик инновацияларни жорий қилишдан олинган ва ишлаб чиқариш харажатларининг тежалган суммасига тенг бўлган йиллик иқтисодий самарани ҳисоблаб чиқиш тамойили асос қилиб олинган. Бу тамойил асосида ушбу корхоналар ички муҳити объектларига мультиомилли ёндашувдан фойдаланадиган ва ер қаъридан фойдаланишнинг дифференциация қилинган кўрсаткичларидан фойдаланишни ҳисобга оладиган ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун соддалаштирилган баҳолаш услубияти ишлаб чиқилди. Қуйида ушбу такомиллаштирилган услубиятнинг асосий формулалари келтирилган (2-жадвал).

**Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг
илмий-техника ютуқлари самарадорлигини баҳолаш учун тавсия
қилинган такомиллаштирилган кўрсаткичлари⁸**

Кўрсаткич	Ҳисоблаш усули	Шартли белгилар
Янги технологиялардан фойдаланган ҳолда харажатларнинг барча турларини ҳисобга олиб, иқтисодий натижани ҳисоблаш	$\mathcal{E} = (Z'_6 \times A_6 + \Delta Z' \times \Delta A_n) - Z'_n \times A_n,$	<p>Z'_6 - янги технологияларни жорий этишдан олдинги харажатлар; Z'_n - янги техникадан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари; A_6 - асосий жиҳозлардан фойдаланиб ёки янги техника жорий қилинганга қадар ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар) ҳажми жорий қилиш; ΔA_n - янги техникадан фойдаланганда олинган қўшимча маҳсулот (ишлар); $\Delta Z'$ - ўзгартирилган техникани қўлланишда қўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар</p>
Технологиянинг асосий ва янги версияси учун узоқ муддатли харажатлар коэффициенти	$K_{np1(2)} = \frac{1}{T_{a1(2)}}$	<p>Ta1 (2) - ушбу объектлар учун қабул қилинган амортизация сиёсати билан белгиланадиган асосий ва янги технология вариантлари учун инвестиция объектларининг тўлиқ қийматининг муддати, йиллар</p>
Бирламчи ва янги технология варианты ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир бирлигига нисбатан йиллик харажатлар миқдори	$Z_{np1(2)} = \frac{I_{tek1(2)} + K_{np1(2)} \cdot K_{\phi 1(2)}}{V_{1(2)}}$	<p>I tek1 (2) - базанинг ва янги технология опциялари ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир бирлигига мувофиқ жорий нархларнинг йиллик миқдори; $K_{np1(2)}$ - асосий ва янги технология вариантлари бўйича узоқ муддатли харажатларни келтириб чиқариш коэффициенти, б / р; $K_{\phi 1(2)}$ - асосий ва янги технологиялар вариантини ишлаб чиқишда капитал қўйилмаларнинг умумий миқдори; $V_{1(2)}$ - асосий ва янги технология опцияси ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача йиллик ҳажми, натура бирлигида</p>
Янги технология экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтираётган бўлса, йиллик иқтисодий самарани ҳисоблаш	$\mathcal{E} = (B'_e \times K'_e - Z'_e) \times A_e,$	<p>B'_e - маҳсулот бирлиги экспортдан олинган соф валюта тушумлари, импорт валютаси; Z'_e - экспорт маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва чегарага қадар ташиш харажатлари, минг сўм; A_e - ҳисоб-китоб йилида янги техникани жорий этиш натижасида экспорт қилинган маҳсулот ҳажми, натура бирлигида;</p>

⁸ Муаллиф ишланмаси


<p>Янги технологиядан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш, шу каби маҳсулотлар импортини қисқартириш ёки бошқа мамлакатлардан алмаштириш</p>	$\mathcal{E}_{имп} = (\mathcal{C}_{имп} \times K_{\epsilon} \times K_{кр} - \mathcal{Z}'_{их}) \times A_{имп}$	<p>$\mathcal{C}_{имп}$ - етказиб берувчининг валютасида хорижий етказиб берувчи ҳисобварағида кўрсатилган бирликнинг тақдим этилган қиймати;</p> <p>K_{ϵ} - валюта курслари бюллетени асосида қабул қилинган (шартнома вақтида) хорижий валютани миллий валютага ўтказиш коэффициентини (минг сўм);</p> <p>$K_{кр}$ - кредит таъсир коэффициентини. Импорт техника сотиб олиш учун банк кредитидан фойдаланишда ҳисобга олинади;</p> <p>$\mathcal{Z}'_{их}$ - импорт маҳсулот ўрнини босадиган маҳсулот (буюм) бирлигини мамлакатда ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар (баҳоси), минг сўм;</p> <p>$A_{имп}$ - маҳаллий маҳсулотлар билан алмаштирилган импорт қилинадиган маҳсулот миқдори, натура бирлигида;</p>
--	--	---

Шунингдек, тадқиқотнинг ушбу бобида Ўзбекистон ЁЭК корхоналарининг замонавий ривожланиш ҳолати иқтисодий баҳоланган. ЁЭК тармоқларининг асосий мақсади иқтисодиётнинг тармоқ корхоналари маҳсулотларига эҳтиёжларини қондириш ва унинг техник-технологик салоҳиятга эга бўлган инновацион соҳа билан ўзаро алоқаларини шакллантириш ҳисобланади. Ушбу ҳолатда тармоқ инновацион фаолияти тор маънода (маҳсулот ҳажми ёки жараёнлар самарадорлигининг сифат жиҳатидан ўсишини таъминлайдиган, бозорда талаб юқори бўлган жорий қилинган янгилик) намоён бўлади ва унинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини энг юқори даражада белгилаб беради.

Шу муносабат билан, иқтисодиёт ҳолати кўп жиҳатдан уларни ислоҳ қилиш натижаларига боғлиқдир. Тадқиқотлар кўрсатишича, ЁЭК тармоғидаги ислохотлар мамлакатдаги иқтисодий ислохотларга мос равишда амалга оширилган ҳамда Ўзбекистоннинг ёқилғи ва энергетика мустақиллигини (босқичма-босқич) ва ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжни таъминлашга йўналтирилган (1-расм).

Ўзбекистон иқтисодиётида халқаро стандартлар бўйича энергия сифими жуда катта ҳисобланади. Энергия истеммоли бирлигига ЯИМ индекси (2015 йил доимий нархларида 1 кг нефть эквивалентида 1 АҚШ долл. ХЛП) Ўзбекистон учун 2016 йилда 1 кг нефть эквиваленти учун 1,5 АҚШ долларига тенг бўлди. Таққослаш учун худди шу йили худди шу кўрсаткич Россияда 3, Туркманистонда 1,7, АҚШда 5,9, Швейцарияда 10,6, Сингапурда 12,5, Индонезияда эса 4,3 долларни ташкил қилган. Бу эса технологик жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланилиши, мамлакат экспортида ёқилғи-энергетика ресурслари улушининг катта эканлиги, электр энергияси ва айрим ёқилғи турлари нархларининг нисбатан пастлиги, электр энергияси ва

энергетика ресурслари ишлаб чиқариш ва истеъмолчини ҳисобга олиш тизими мос келмаслиги ва бошқалар билан асосланади.⁹



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ЁЭКни ислоҳ қилишнинг босқичма-босқич воситалари¹⁰

⁹ Национальный доклад по Республике Узбекистан составлен в рамках проекта Европейской экономической комиссии ООН «Повышение синергетического эффекта национальных программ стран-членов СНГ по энергоэффективности и энергосбережению для повышения их энергетической безопасности». Автор: Джемшид Абдусаламов, ГАК»Узбекэнерго». <https://www.twirpx.com/file/1636032/>

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Юқорида айтиб ўтилганларни, шунингдек, ёқилғи-энергетика комплекси миллий иқтисодиётнинг тизим ҳосил қилувчи структураси ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда, қайд қилиш мумкинки, у иқтисодий ўсишни рағбатлантириши ва бу билан аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши мумкин, ишда муаллиф томонидан математик моделлаштириш ва мамлакатлараро регрессия таҳлили ёрдамида ЯИМ ва ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик (2007-2017 йиллар учун ВЭФ маълумотлари асосида) тадқиқ этилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ЕАҲИ (Energy Architecture Performance Index) индексининг мусбат ўсиши мамлакат иқтисодиёти учун ҳам, ЯИМнинг барқарор ўсиши учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ЕАҲИ индекси тўққизта кўрсаткич асосида ҳисоблаб чиқиладиган (3-жадвал) учта субиндексдан иборат: иқтисодий ўсиш ва ривожланиш (economic growth and development (EGD)), экологик барқарорлик (environmental sustainability - ENSUS), энергетика хавфсизлиги ва очиқлик (energy access and security – ENAS).


3-жадвал

Энергетика тизимининг унумдорлик индекси (ЕАҲИ) кўрсаткичлари¹¹

Энергетика тизими объекти	Кўрсаткич	Қуйидаги асосда ҳисоблаб чиқилади
иқтисодий ўсиш ва ривожланиш	Энергия зичлиги	ЯИМ бирлигига энергетикадан фойдаланиш
	Ўсишни қўллаб-қувватлаш/тўсиқлар	Энергия импорти қиймати (ЯИМ %) Энергетика экспорти қиймати (ЯИМ %)
	Очиқлик	Газолин нархини сунъий равишда бузиб кўрсатиш даражаси (индекс) Дизель нархини сунъий равишда бузиб кўрсатиш даражаси (индекс) Электр токи нархлари (1 кВт га АҚШ долл.)
атроф-муҳит барқарорлиги	Энергетик аралашма таркибида углерод кам бўлган ёқилғи манбалари нисбати	муқобил энергия ва атом энергияси (энергиядан, жумладан, биомассадан умумий фойдаланишдан % да)
	атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддалар таъсири	Энергия ишлаб чиқаришдан атроф муҳитга чиқариладиган углеводородли зарарли моддалар Энергетика секторида атроф муҳитга метан чиқарилиши Энергетика секторида атроф муҳитга нитрат чиқарилиши Енгил автомашиналарга тўғри келадиган ўртача ёқилғи сарфи
энергетика хавфсизлиги ва очиқлиги	Очиқлик сифати ва даражаси	Электрлаштириш даражаси (аҳоли %) Электр энергияси етказиб бериш сифати (1-7 балл) Овқат тайёрлаш учун қаттиқ ёқилғидан фойдаланадиган аҳоли улуши
	Электр таъминотининг диверсикация қилинганлиги	Бирламчи энергия таъминоти умумий ҳажмининг диверсикация қилинганлиги (Херфиндал индекси)
	Ўз-ўзини таъминлаш	импортга (энергетика импортига) боғлиқлик импорт бўйича ҳамкорлар диверсикацияси (Херфиндал индекси)

¹¹ 2007-2017 йиллар учун ВЭФ маълумотлари асосида курсатилган

Ўтказилган таҳлил скаттер-диаграммани (2-расм) ифодалашга имкон бериши натижасида энергетика комплексининг самарали энергия инфратузилмаси иқтисодиётнинг ривожланиши билан тўғридан-тўғри боғлиқлигини ва миллий ЯИМ ўсишида етакчи роль ўйнашини тасдиқлайди.



2-расм. Аҳоли жон бошига ЯИМ ва EAPI индекси (energy architecture performance index) ўртасидаги боғлиқлик скаттер-диаграммаси¹².

Халқаро индекслар ва уларнинг таркибий қисмлари таъсирини баҳолашнинг эмпирик моделларига асосланиб, энергетика тизими маҳсулдорлик индекси (EAPI) ва унинг субиндекслари ЯИМ ўсишига таъсир модели қуйидаги логарифмик-чизиқли кўринишга эга бўлади:

$$\log(GDP_i) = \beta_0 + \beta_1 EGD_i + \beta_2 ENSUS_i + \beta_3 ENAC_i + \beta_4 POP_i + \beta_5 SURF_i + u_i, \\ i=1, \dots, 108$$

Боғланган ўзгарувчи $\log(GDP_i)$ – аҳоли жон бошига ЯИМ қиймати логарифми – 2009-2016 йиллар учун ўртача қиймат, мустақил ўзгарувчилар EGD_i – иқтисодий ўсиш ва ривожланиш субиндекси, $ENSUS_i$ – экологик барқарорлик субиндекси, $ENAC_i$ – 2016 йилда энергетика хавфсизлиги ва очиқлик субиндекси, $LPOP_i$ – мамлакат аҳолиси сони логарифми i - 2009-2016 йиллар учун ўртача қиймат, $LSURF_i$ – мамлакат худуди майдони қиймати логарифми, u_i – регрессиялар стандарт хатолиги. $LPOP_i$ ва $LSURF_i$ ўзгарувчилар натижаларнинг статистик барқарорлигини ошириш учун назорат ўзгарувчилари

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳисобланади (дескрептив статистика асосида ушбу эконометрик услубият диссертацияда батафсил кўриб чиқилган).

Регрессиялар натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, энергетика тизимининг барча унумдорлик субиндекслари таъсири статистик аҳамиятга ва тўғри ишорага эга. Бироқ *LSURF*; бўйича натижаларнинг кўрсатишича, мамлакат майдони ЯИМга таъсир этмайди ва бу бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам хулосаларига мос келади. Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш субиндекси ЯИМ ўсишига таъсир этади, яъни бу субиндекснинг битта стандарт оғишишга (0,12 п.) ортиши ЯИМни 6,1% га оширади.

Атроф муҳит барқарорлиги субиндекси ЯИМга салбий таъсир этади. Буни эса шу билан изоҳлаш мумкинки, ушбу кўрсаткич атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддалар ва бугунги кунда энг қиммат бўлиб турган муқобил энергиядан фойдаланиш асосида ҳисоблаб чиқилади. Шундай экан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим, лекин шу билан бир пайтда, инсоният тараққиёти барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий иқтисодий ўсишни пасайтирувчи омил ҳисобланади. Энергетика хавфсизлиги ва очиқлик субиндекси иқтисодий ривожланишда энг катта аҳамиятга эга. Субиндекснинг битта стандарт оғишишга (0,17) ортиши ЯИМни 45%га оширади. Ушбу субиндекс электр таъминоти даражаси ва сифатини ҳам қамраб олиши сабабли у энергетика инфратузилмаси аҳамиятининг юқори эканлигини кўрсатади. Аҳоли сони бўйича кўрсаткич ҳам юқори статистик аҳамиятга эга. Демак, бу ҳолатда мамлакат аҳолисининг ўсиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМга салбий таъсир кўрсатади. Каттароқ сонга бўлишда доим кичикроқ натижа олинади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, энергетика инфратузилмасини яхшилаш тезлиги кўриб чиқилаётган мамлакатлар аҳолисининг табиий ўсишидан паст ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон иқтисодиётида инновацион муҳитни шакллантириш хусусиятлари ва тенденциялари, инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш хусусиятлари аниқланган. Шунингдек, ишда инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ва унинг фаолият кўрсатиш механизми аниқланган ҳамда инновацион муҳитни давлат томонидан тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш, инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон ЁЭК корхоналарининг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф қилинган.

Бизнинг инновацион капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш соҳасидаги тадқиқотларимиз «Ўзбекистон Республикаси ЁЭК корхоналарида инновацион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш модели (блок-схемаси)»ни ифодалашга имкон берди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ЁЭЖ корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг итерацион модели (блок-схемаси)¹³

3-расмга шартли изоҳлар:

1. Инновацион капитал бозорини рақобатни ривожлантириши махсус дастурини қабул қилиши;
2. Долзарб (устувор) инновацион ишланмалар мавзуларини шакллантириши;
3. Белгиланган мақсадлар бажарилиши устидан доимий мониторинг;
4. Инновацион ишланмалар мувозанатланган талаб ва таклифини режа асосида таъминлаш;
5. Тармоқ учун зарур бўлган инновацион ишланмалар рўйхатини шакллантириши;
6. Ишланмаларни ўз вақтида ишлаб чиқиши ва жорий қилиши устидан мониторинг;
7. Ўзбекистон инновация тизимининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти;
8. Интеллектуал мулкни, инновацион ишланмаларни улардан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича қонунлар қабул қилиши;
9. Кадрлар сиёсатини такомиллаштириши;
10. Харажатларни бошқаришдан инновацион ишланмаларни жорий қилиш натижаларини бошқаришга ўтиши;
11. Инновацион ишланмаларни молиялаштириши ҳажминини ошириши;
12. Инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий қилиши учун мукофотлаш тармоқ тизимини шакллантириши;
13. Илмий кадрларни ёшартириши жараёнини фаоллаштириши;
14. Илмий ва илмий-ишлаб чиқариш кадрлари ўртасида мунтазам аттестация ўтказиш регламентлари;
15. Инновацион ишланмаларни жорий қилиш натижалари ва интеллектуал мулкни баҳолаш бўйича стандартлар жорий қилиши;
